

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАҲСУДОВ ШОҲРУХМИРЗО АБДУЛҲАМИД ЎҒЛИ

**АЁЛЛАР ЕЛКАЛИ КИЙИМЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 687.016.5/12+004.001.76

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences

Махсудов Шохрухмирзо Абдулхамид ўғли

Аёллар елкали кийимларини автоматлаштирилган лойиҳалаш
усулларини такомиллаштириш

3

Махсудов Шохрухмирзо Абдулхамид ўғли

Совершенствование методов автоматизированного проектирования
женской плечевой одежды.....

23

Mahsudov Shohruhmirzo

Improving the methods of computer-aided design of women's shoulder
clothing.....

43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

46

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАҲСУДОВ ШОҲРУХМИРЗО АБДУЛҲАМИД ЎҒЛИ

**АЁЛЛАР ЕЛКАЛИ КИЙИМЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.2.PhD/T2310 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институтида ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдукаримова Машхура Абдураимовна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Алимова Халима Алимовна
техника фанлари доктори, профессор

Арипджанова Дилафруз Уктамовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «28» январь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 160115, Наманган шаҳри, Косонсой, 7-уй. Тел.(69) 225-10-07, факс; (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 440-рақам билан рўйхатга олинган) Манзил 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел: (69) 225-10-07.

Диссертация автореферати 2022 йил «15» январь куни тарқатилди.
(2022 йил «15» январдаги даги №63 рақамли реестр баённомаси).

Р. М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ривожланган мамлакатлар тикувчилик саноатининг ҳозирги ҳолати юқори сифатли тикув буюмлари ассортиментини жадал кенгайтириш ва тезкор янгилаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражасини ошириш билан тавсифланади. Жумладан, Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Франция каби қатор мамлакатларда тикувчилик маҳсулотларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари ва воситаларини такомиллаштириш бўйича етарлича муваффақиятларга эришилган. Улардан фойдаланиш кийимларни манзилли лойиҳалашни автоматлаштириш йўлида сезиларли даражада олдинга силжиш имконини бермоқда¹. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг конструкторлик тайёргарлиги жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тикувчилик соҳасини ривожлантиришнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Жаҳонда кийимнинг ўрнашувини баҳолаш ва лойиҳа-конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш виртуал рақамли технологияларни қўллаш орқали тикувчилик буюмларини сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, кийимнинг қоматда сифатли ўрнашувини кафолатлайдиган автоматик режимда кийим деталлари ёйилмасини олиш усулларини такомиллаштириш, мода йўналиши ва замонавий материал хусусиятларини инобатга олган ҳолда буюм конструкциясини ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлар базасини шакллантириш бўйича ишлар бажарилмоқда. Шу билан бирга, конструкция чизмаларини қуриш жараёнини формаллаштирилган ифодасини ишлаб чиқиш орқали дизайнер ғояси ва конструктор тажрибасига мувофиқ келувчи кийим деталлари андозаларини ишлаб чиқиш, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларининг (АЛТ) самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда тикувчилик саноатини модернизациялаш, тикув буюмларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш технологик даражасини кўтариш, лойиҳа ишларини автоматлаштириш, ички ва ташқи бозорда тикув буюмлари рақобатбардошлилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни тадбиқ этиш...» вазифалари белгилаб берилган². Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан кийимларни лойиҳалаш жараёнини автоматлаштириш даражасини кўтариш, конструктор мутахассисларининг иш унумдорлигини, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари билан ишлаш

¹ <https://www.cbinsights.com/research/fashion-tech-future-trends/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

кулайлигини ошириш, лойиҳа конструкторлик ҳужжатлари тайёргарлиги даражаси ва сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 14 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4186 сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик», IV.«Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кийим модел конструкциясини яратиш жараёнини формаллаштириш ва автоматлаштириш бўйича тадқиқотлар билан хорижда А.Widyanti (Индонезия), Н.Kim (Хитой), М.L.Damhorst (АҚШ), М.L.Mрамра (Греция), М.Aghekyan (Армения) шуғулланишган. Қайд қилинган муаммоларни ечишда рус олимлари Н.Н.Раздомахин, И.А.Петросова, Е.Б.Коблякова, Е.Ю.Кривобородова, А.И.Мартынова, Е.Г.Андреева, В.В.Гетманцева ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Республикада тикув буюмларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш тайёргарлиги жараёнини автоматлаштириш билан боғлиқ фундаментал, илмий методологик ва амалий масалаларни ечиш бўйича тадқиқотлар Х.А.Алимова, Ф.У.Нигматова, Д.У.Арипджанова, М.А.Абдукаримова, Ш.М.Шомансурова ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, кийимларнинг сифатли ўрнашувини таъминлашда олд, орқа, енг каби елкали кийим элементларини қўшимча ўзгартиришларсиз базавий асос чизмаларини лойиҳалашни автоматлаштириш имкониятига эга конструкциялаш услубини такомиллаштириш бўйича қатор муҳим муаммоларни ечишни талаб қилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасидаги «Istiqlol Dizayn Markazi» МЧЖ билан тузилган №1ЕСМКТ сонли шартномаси (2020й.) ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ОТ-2019-22 рақамли «Ҳимоя матоларидан рақобатбардош махсус кийимлар тўплами ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган (2019-2022й.).

Тадқиқотнинг мақсади аёллар елкали кийимлари базавий асос элементларини ҳисоблашни формаллаштириш ва автоматлаштириш асосида

конструкция чизмалари сифатини ва яратиш тезкорлигини ошириш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кийимларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларида базавий асос конструкцияларни яратиш жараёнларини ўрганиш;

кийимнинг қоматга сифатли ўрнашувини таъминлаш мақсадида аёллар елкали кийимлари базавий асос чизмалари конструктив элементларини тадқиқ этиш;

кийимнинг ўлчами ва силуэт шаклига кўра конструкция енг ўмизи ва қиямаси параметрлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ этиш;

автоматик режимда базавий асос конструктив нуқталари координаталарини ҳисоблаш усули ва контурларини лойиҳалашнинг формаллаштирилган ифодасини ишлаб чиқиш;

автоматик тарзда базавий асосни лойиҳалаш имкониятига эга аёллар елкали кийимларини конструкциялаш услубини ишлаб чиқиш;

Muller & Sohn ва ишлаб чиқилган услуб бўйича базавий асос чизмаларининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш;

аёллар елкали кийими базавий асос конструкция чизмаларини лойиҳалашнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва мавжуд кийимларни лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари билан интеграциясини амалга ошириш.

Тадқиқот объекти базавий асос конструктив элементлари, кийим деталлари ёйилмасини автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари ва процедуралари олинган.

Тадқиқот предмети аёллар елкали кийими, M.Muller&Sohn конструкциялаш услуби, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида кийим лойиҳалаш муаммоларига тизимли ёндашув, кийим деталлари ёйилмасини олиш усуллари, лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари, эксперт баҳолаш усуллари, учинчи тартибли полиномали сплайн интерполяция усули, стандарт Windows XP дастурий маҳсулотлари ва амалий график пакетларидан, материалларнинг хоссаларини экспериментал тадқиқоти лаборатория шароитида стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Кийимнинг юқори сифатли ўрнашувини кафолатлайдиган базавий асос конструкцияси таянч участкасини аёллар типавий қоматларида елка қиялиги бурчагининг ўлчамлараро ўзгариш характериға мос ҳолда аниқлаш усули таклиф этилган;

конструкция элементлари ва параметрлари боғлиқликларининг экспериментал тадқиқотлари асосида аёллар елкали кийимларини автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимининг кирувчи маълумотлари формализацияси таклиф қилинган;

учинчи тартибли полиномали сплайн интерполяцияни қўллаш асосида базавий асос конструкцияси эгри контурларини лойиҳалашнинг аналитик усули ишлаб чиқилган;

материаллар хусусиятига кўра берилган моделнинг турли ўлчамларида елка айланасига қўшимча ва қияма кириштириш меъёрлари доимийлигини таъминлайдиган енг конструкцияси оптимал параметрларини ҳисоблашнинг алгоритмли ечими таклиф этилган;

конструкция чизмалари сифати ва яратиш тезкорлигини оширувчи аёллар елкали кийими базавий асос чизмаларини автоматлаштирилган лойиҳалаш услуги ва тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Лойиҳаланаётган буюмни тури ва ҳажмий-силуэт шаклига боғлиқ ҳолда замонавий материаллар хоссаларининг тадбиғи асосида енг қиямаси кириштириш меъёрлари ва елка айланасига қўшимча қийматларининг таснифини ишлаб чиқилган;

конструкция юқори участкаларининг тана таянч юзаси шаклига мослигини, кириштириш меъёрлари ва қўшимча қийматларининг доимийлигини таъминлайдиган аёллар елкали кийими асосий деталлари андозалари градациясининг схемаси ишлаб чиқилган;

кийим конструкция чизмалари сифати ва яратиш тезкорлигини ошириш имкониятига эга бўлган аёллар елкали кийими базавий асосларини автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими ишлаб чиқилган;

базавий асосларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими мавжуд кийимларни лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари билан интеграциясини амалга ошириш имконияти таъминланган;

қоматда сифатли ўрнашуви билан ажралиб турадиган турли силуэт шаклидаги аёллар блузкалари моделларининг «Техник тавсифи» ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги корректив вазифалар кўя билиш ва уларнинг ечимини топишда замонавий усуллар қўлланганлиги, ишлаб чиқилган назарий моделларнинг кузатилаётган қонуниятга адекватлилиги унинг ҳисобий ва тажриба маълумотларининг юқори мослиги билан тасдиқланганлиги, эксперимент натижаларининг таҳлили, олинган натижаларнинг амалиётда қўлланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти конструкция кирувчи ва чиқувчи параметрлари орасида боғлиқликни формаллаштирувчи ишлаб чиқилган дастлабки маълумотлар базаси асосида автоматик тарзда базавий асос элементларини қўшимча ўзгартиришларсиз лойиҳалаш имкониятига эга конструкциялаш услуги; базавий асос конструктив параметрлари ва элементларини ҳисоблашнинг аналитик усули; берилган моделнинг турли ўлчамлари учун елка айланасига қўшимча ва қияма кириштириш меъёрлари доимийлигини таъминловчи енг конструкцияси оптимал параметрларини ҳисоблашнинг алгоритмли ечими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалӣ аҳамияти буюмни лойиҳалаш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўлган аёллар елкали кийими базавий асосларини автоматлаштирилган конструкциялаш услуги ва тизими ишлаб чиқилганлиги; ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий воситаларни мавжуд кийимларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларида бевосита қўллаш имконияти; энг қиямаси кириштириш меъёрлари ва градация схемасининг илмий асосланган тавсиявий қийматларининг sanoat шароитида қўллаш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёллар елкали кийимларини автоматлаштирилган лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

аёллар елкали кийимлари базали асосларини автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарда, хусусан «Ideal tekstil-orzu» МЧЖда жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 20 октябрдаги №03/13-2963 сон маълумотномаси). Натижада буюмни лойиҳалаш учун кетадиган вақт ҳаражатларини 23,67%га қисқартирилган, меҳнат унумдорлиги эса 31,16% га оширилган;

енг қиямаси кириштириш меъёрлари ва градация схемасининг илмий асосланган параметрлари ҳамда турли материаллардан турли силуэт шакллардаги аёллар блузкаси моделлари учун «Техник тавсиф» кўринишидаги меъерий ҳужжатлар «Istiqlol Dizayn Markazi» МЧЖда жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 20 октябрдаги №03/13-2963 сон маълумотномаси). Натижада буюмнинг қоматда ўрнашув сифатининг ошиши ҳисобига тижорий жиҳатдан муваффақиятли аёллар блузкаларининг сотиш ҳажмини 4,4%га оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжумаларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилган, шундан 2 та мақола хорижий ва унинг 1 таси Scopus базаларида индексланган журналларда чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг дастурий маҳсулотига 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни

ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Кийимларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ва уларни такомиллаштириш йўллари»** деб номланган биринчи бобида тикувчилик буюмлари сифатини ва ишлаб чиқариш самародорлигини оширишга қаратилган техника ва технологияларни такомиллаштириш борасида жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида яратилган кийимларни лойиҳалашнинг энг янги 3D ва 2D рақамли технологиялари функционал имкониятлари таҳлили ёритилган.

Республикамиз корхоналарида янги кийим моделлари лойиҳа-конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда қўлланилаётган чет эл 2D АЛТ функцияларининг камчиликлари аниқланди, айнан тизимдаги базавий асос конструкцияларини аналитик усулда ишлаб чиқиш мавжуд услублари кийимнинг сифатли ўрнашувини таъминламаслиги, чизма элементлари - эгри контурларини қуришнинг график усулларини қўллаш эса конструктор катта тажрибасини ва тез янгиланадиган аёллар елкали кийимлари ўрнашув сифатини таъминлаш учун андозалар чизмаларига ўзгартиришлар киритиш заруриятини талаб қилади. Бу кийимнинг юқори сифатли ўрнашувини кафолатлайдиган конструкция чизмаларини лойиҳалаш жараёнини формаллаштирилган ифодасини, конструктив нуқталар координаталарини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва автоматик режимда базавий асослар конструкциялаш услубини ишлаб чиқиш эҳтиёжини ва тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.


Диссертациянинг **«Аёллар елкали кийимлари автоматлаштирилган конструкциялаш тизимининг ахборот базасини шакллантириш»** деб номланган иккинчи боби кийим сифатли ўрнашувига таъсир қилувчи омиллар экспериментал татбиғи асосида аёллар елкали кийими базавий асосларини автоматик конструкциялаш учун ахборот базасини формаллаштириш усулини ишлаб чиқишга бағишланган.

Кийим сифатли ўрнашувига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида мавжуд лойиҳалаш услублари орасида конструктив параметрларнинг таҳлили ва кийим ўрнашувининг эксперт баҳоси асосида устунлиги аниқланган M.Muller&Sohn (Германия) услуги базавий асос элементларининг кийим ўлчамлари ва силуэт шакли бўйича ўзгаришининг экспериментал тадқиқоти ўтказилди. АЛТда (Gemini, Gerber, Assyst) олинган базали асос чизмаларнинг орт детал елка қиялиги бурчагининг $\angle\gamma$ (1-расм) ўлчамлараро ва кийим кенглигига боғлиқ ҳолда ўзгариши, бунда бурчак диапазонининг ўзгариши кийим ўлчами катталашини билан кичрайиши аниқланди (2-расм). Кўкрак ярим айланасига қўшимчанинг 4 см қийматида ($P_{cg}=4\text{см}$) бурчак диапазонининг ўзгариши кичкина ўлчамдан ($O_{\gamma} = 84 \text{ см}$) катта ўлчамга ($O_{\gamma} = 116 \text{ см}$) $4,14^{\circ}$, ўлчамлараро эса $0,46-0,61^{\circ}$ ни ташкил этади.


Битта ўлчам доирасида елка қиялиги бурчагининг силуэт шаклига боғлиқ ҳолда ўзгариши, бунда бурчак диапазонининг ўзгариши ўлчам катталашганда кичрайиши аниқланди (3-расм).



1-расм. Аёллар елкали кийими деталлари ёйилмаси таянч участкаларининг чизмаси ва ўлчаш схемаси, γ – орт елка қиялиги бурчаги, β – олд елка қиялиги бурчаги




2-расм. Орт детал елка қиялигининг кийим ўлчамларига боғлиқлиги



3-расм. γ нинг кийим силуэт шаклига боғлиқлиги

Экспериментал тадқиқотлар натижасида одам қомати елка қиялиги бурчагининг $\angle\alpha$ (стандартда келтирилган бўйин асоси ва елка антропометрик нуқталари баландлиги айирмаси билан аниқланган бурчак, 4-расм) қомат ўлчамига боғлиқлиги аниқланди. Бу бурчак $\Delta\alpha$ қадам билан монотон тарзда ўзгаради, кичик ўлчамларда максимал қийматни, катта ўлчамларда минимал қийматни олади (5-расм), бунда $O_{г} = 84$ смдан $O_{г} = 116$ см ўлчам диапазонида бурчак ўзгариши $2,1^0$ ташкил этади.




4-расм. Қомат елка қиялигининг $B_{п1}$ параметри бўйича ўлчаш схемаси



5-расм. Типавий қоматларда елка қиялигининг ўлчамларга боғлиқлиги

Олд детал чизмасида елка қиялигининг $\angle\beta$ ўзгариш характери орт деталдан фаркланади (6-расм). $O_{г} = 84$ смдан $O_{г} = 104$ см ўлчам диапазонида олд детал елка қиялиги бурчаги кичрайиши, $O_{г} = 108$ см ва ундан катта ўлчамларда эса бурчак катталашиши конструкциялаш услуби бўйича типавий қоматлар ўлчамлар параметрлари жадвалини шакллантириш усули билан изоҳланади. Амалиётда бундай ўзгаришлар буюм балансига таъсир этиши, яъни елка чокини янада кўпроқ силжишига олиб келиши аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун ўлчам параметрлари жадвалига ўзгартиришлар киритилди, бу эса елка қиялиги ҳолатини барқарорлаштиришга имкон берди. 7-расмда турли ўлчамлар учун ўлчам параметрларининг

модификацияланган жадвали асосида ҳисобланган бурчак ўзгаришининг эгри чизиқлари келтирилган.




— Ps = 0 см

— Ps = 4,0 см

— Ps = 7 см

6-расм. Олд детал елка қиялигининг кийим ўлчамларига боғлиқлиги



7-расм. Ўлчам параметрларининг модификацияланган жадвали асосида ҳисобланган елка қиялиги

Буюм макетларининг қоматда ўрнашувининг эксперт баҳоси натижаларига кўра $Og=100$ см ўлчам учун $Ps=4$ см қийматида елка нуқталари жойлашувининг ҳисоби елка чизигининг тўғри ҳолатини таъминлаши, яъни конструкция елка нуқталари қоматнинг елка нуқтасига мос келиши қайд қилинди. $Og=84\div 116$ см ўлчам диапазонида типавий қоматлар елка қиялиги бурчаклари ўзгариш қадамига асосланган ҳолда базавий асос конструкцияси таянч участкаларини аниқлаш усули таклиф қилинди. Аёллар кийими олд ва орт деталлари елка қиялиги бурчаклари ҳисобий қийматларининг жадвали ишлаб чиқилди (1-жадвал). Ушбу методикани қўллаш, яъни ҳисобий бурчак қийматлари асосида ишлаб чиқилган базавий асослар конструкциялари қўшимча ўзгартиришларсиз кийимнинг қоматда юқори сифатли ўрнашувини таъминлаганини кўрсатди («Istiqlol dizayn markazi» МЧЖ нинг 05.10.2021 йилдаги далолатномаси).


1-жадвал

Аёллар кийими конструкцияси олд ва орт деталлари елка қиялиги бурчакларининг қийматлари (градус)

Ўлчам (Og)	Типавий қомат елка қиялиги $\angle\alpha$	Елка қиялиги бурчаги			
		M.Muller&Sohn услуби		Таклиф этилган услуб	
		Орт $\angle\gamma$	Олд $\angle\beta$	Орт $\angle\gamma$	Олд $\angle\beta$
84	23,67	17,45	23,08	16,1	20,35
88	23,29	16,84	19,88	15,66	19,91
92	23,02	16,27	21,12	15,45	19,7
96	22,83	15,75	20,24	15,26	19,51
100	22,83	15,26	19,36	15,26	19,51
104	22,66	14,8	18,62	15,09	19,34
108	22,2	14,27	19,03	14,63	18,88

112	22,06	13,77	19,41	14,49	18,74
116	21,57	13,31	19,75	14,0	18,25

Кийим юқори сифатли ўрнашувининг муҳим омиллардан бири базавий асос энг ўмизи узунлигига (Дпр) мос келувчи материал хоссаларига боғлиқ равишда энг конструкцияси оптимал параметрларини: энг қиямаси баландлиги (Вок), қияма узунлиги (Док), кириштириш меъёри (Н), энгнинг ўмиз остидаги кенглиги (Шр) ёки қияма кенглиги (Шок) қийматларини аниқлаш ҳисобланади. M.Muller&Sohn услуги бўйича ишлаб чиқилган энг конструкцияси параметрларининг кийим ўлчами ва силуэт шаклига кўра боғлиқлиги тадқиқ қилинди. 8-расмда елка айланасига кўшимча (Поп) ва энг қиямаси кириштириш меъёри (Н) қийматларининг турли силуэт шакли кийим ўлчамлари бўйича боғлиқлиги келтирилган.



8-расм. Елка айланасига кўшимча (Поп) ва кириштириш меъёрининг (H) турли силуэт шакли кийим ўлчамларига боғлиқлиги

Расмдан кўриниб турибдики, берилган модел турли ўлчамларида кўшимча ва кириштириш меъёрининг ўзгариши, бунда уларнинг қийматлари ўлчам катталашини билан ошиши аниқланди. Бу ҳолат кийимни тайёрлаш жараёнини мураккаблаштиради ва мос равишда кийим ўрнашуви сифатига таъсир этади.

Ушбу параметрлар M.Muller&Sohn конструкциялаш услубида кирувчи параметрлар сифатида қўлланилмаслиги материал хусусиятларига кўра энг қиямаси параметрларини ўзгартириш имконини бермайди. Бу муаммонинг ечими турли материаллар хусусиятини инобатга олувчи турли ўлчамларда кириштириш меъёри ва кўшимча қийматларининг доимийлик талабини таъминлайдиган энгни конструкциялаш услубини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Турли материаллар ва турли ўлчамлар учун кириштириш меъёри ва кўшимча қийматларининг доимийлик талабини таъминлайдиган ўтказма энгни конструкциялаш қияма эгри шаклини аниқлашни талаб қилади. Энг қиямаси эгри шаклини куриш моделини ишлаб чиқиш доирасида республика корхоналарида кенг фойдаланилаётган замонавий материаллар танланди ва асосий хоссалари - тола таркиби, юза оғирлиги, қалинлиги, қаттиқлигини (бикирлиги) тадқиқ қилинди. Материаллар хоссаларининг стандарт усуллардан фойдаланилган ҳолда лаборатория шароитида олиб борилган экспериментал тадқиқоти асосида замонавий материаллар таснифи таклиф қилинди ва эксперт баҳолаш ёрдамида буюм сифатли ўрнашувини таъминлайдиган мос

кириштириш меъёрлари аниқланди. Материал толавий таркиби, кийим тури ва силуэт шаклига боғлиқ равишда елка айланасига қўшимча қийматларининг таснифи ишлаб чиқилди (2-жадвал). Жадвал кўринишида ишлаб чиқилган кириштириш меъёрлари ва қўшимча қийматлари бўйича тавсиялар ўтқазма енг базавий асосини лойиҳалаш учун кирувчи параметрлар ҳисобланади. Таклиф қилинган классификациянинг ишончлилиги кўпсонли тажрибалар билан тасдиқланган.

2-жадвал

Енг қиямаси кириштириш меъёрлари ва елка айланасига қўшимча қийматлар


Кийим ва материал тури	Киришти-риш меъёри (Н, см/см)	Турли силуэт шаклли енглрар учун қўшимча қийматлари (Поп, см)			
		Ёпиш-ган	Топ	Ўртача	Кенг
Dr, Bl (syf & S); Dr, Bl (S). Su (syf < 30% & WV)	0,03÷0,04	2,0-2,5	3,5-4,0	5,0-5,5	6,5-7,0
Dr, Bl (C&syf); Su (syf 15% < 30% & WV)	0,05÷0,06	2,5-3,0	4,0-4,5	5,5-6,0	7,0-7,5
Dr, Bl (WV < 50%); Dr, Bl, Su (S); Su (Li)	0,07÷0,08	3,0-3,5	4,5-5,0	6,0-6,5	7,5-8,0
Su (WV); Co (WV)	0,08÷0,09	3,5-4,0	5,0-5,5	6,5-7,0	8,0-8,5
Co (50% WV); Co (WV)	0,1÷0,11	-	5,5-6,0	7,0-7,5	8,5-9,0

бу ерда Dr- кўйлак; Bl-блузка/кофта; Su - костюм; Co – пальто. Syf - синтетик тола; C - пахта; WV - жун; S - ипак; LI - зигир; V - вискоза


Ишлаб чиқилган елка қиялиги бурчаклари тавсиявий қийматлари, ўлчам белгилари, қўшимча ва кириштириш меъёрлари жадваллари аёллар елкали кийимларини автоматлаштирилган конструкциялаш услуги учун формаллаштирилган ахборот базасини ташкил қилади.

Диссертациянинг «Аёллар елкали кийимлари деталлари ёйилмасини формаллаштирилган тавсифининг методик ва алгоритмик таъминоти» деб номланган учинчи бобида автоматик режимда базавий асослар конструктив нуқталари координаталарини ҳисоблаш ва контурларини лойиҳалашнинг аналитик усулини ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Кийимнинг юқори сифатли ўрнашувини кафолатлайдиган аёллар кийими базавий асос конструкциясида кийим ўлчами ва силуэт шакли ўзгарганда елка қиялиги, шунингдек кийим кенглиги ўзгарганда кўкрак виточки бурчаги тавсиявий қийматларининг сақланишини таъминлаш учун M.Muller&Sohn услуги конструктив нуқталари координаталарини аниқлаш ва қуриш кетма-кетлигига ўзгартиришлар киритилди (9-расм).



М.Муллер&Сонн услуби



Таклиф этилган услуб

9-расм. Аёллар елкали кийими базавий асос чизмаси юқори контурларини куриш

Таклиф этилган услубга мувофиқ орт $\angle\gamma$ ва олд $\angle\beta$ деталларда елка қиялигининг ҳолати (16, 39 нукталар) қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$16x = \text{Cos}\gamma * d, \quad d \in [3.0, 5.0] \quad (1)$$

$$16y = \sqrt{d^2 - 16x^2} \quad (2)$$

$$39x = \text{Oг}/10 + 0.5 \quad (3)$$

$$39y = ((\text{Oг}/10 + 0.5) - \text{Шш.з})/\text{ctg}\beta_2 \quad (4)$$

бу ерда Ог-кўкрак айланаси, Шш.з – орт деталда бўйин ўмизи кенлиги.

Олд елка нуктасининг (41 нукта) жойлашуви қуйидагича аниқланади:

$$r_1 = R_{29} = M_{29-40} \quad (5)$$

$$r_2 = R_{40} = \text{Oг} * 0,06 \quad (6)$$

$$41x = r_2 * \sqrt{4 * r_1^2 - r_2^2} / 2r_1 \text{ ёки } 41x = (\text{Oг} * 0,06) * \frac{\sqrt{4 * M_{29-40}^2 - (\text{Oг} * 0,06)^2}}{2 * M_{29-40}} \quad (7)$$

$$41y = \sqrt{r_1^2 - 41x^2} \quad (8)$$

бу ерда M_{29-40} – асос чизманинг 29, 40 нукталари орасидаги масофа.

Таклиф этилган ёндашув асосида олд ва орқа деталлар елка нуктасининг жойлашуви кийим силуэт шаклига кўра ўзгариши бартараф қилинди.

Базавий асос эгри шаклини лойиҳалаш, конструктив нукталар координаталари ҳисоблашнинг юқори аниқлигини таъминлаш учун мавжуд мураккаб графоаналитик усул ўрнига учинчи тартибли полиномали сплайн интерполяция усули асосида эгри контурларни лойиҳалаш таклиф қилинди.


Конструкция бўйин, енг ўмизи, енг қиямаси каби элементларининг эгри контурларини лойиҳалаш учун учинчи тартибли полиномали сплайн интерполяция функцияси қуйидаги тузилишга эга:

$$f(x) = \begin{cases} a_1x^3 + b_1x^2 + c_1x + d_1, & \text{if } x \in [x_1, x_2] \\ a_2x^3 + b_2x^2 + c_2x + d_2, & \text{if } x \in [x_2, x_3] \\ \dots \\ a_nx^3 + b_nx^2 + c_nx + d_n, & \text{if } x \in [x_n, x_{n+1}]. \end{cases} \quad (9)$$


бу ерда $a_{1...n}$ $b_{1...n}$ $c_{1...n}$ $d_{1...n}$ - эркин коэффициентлар; $x_{1...n}$ - нукталарнинг x ўқидаги координаталари.

Сплайн интерполяция усули бўйича энг ўмизи ва қиямаси эгри контурларини аниқлаш куйидагича:

Энг ўмизида 28, S, 43, 45, 41, 14, 20, 22, T, 11 ва энг қиямасида А, В, F, К, С, М, D, G, Q, E конструктив нуқталар ўрни аниқланади. Бу нуқталар орқали ўтувчи $S_1 \dots S_8$ ва $S_9 \dots S_{17}$ ўзаро туташган сегментлар билан аппроксимацияланади (10,11-расм).



10-расм. Энг ўмизи эгри шакли ва конструктив нуқталар ўрни



11-расм. Энг қиямаси эгри шакли ва конструктив нуқталар ўрни

Энг ўмизидаги 28, S, 43, 45 конструктив нуқталарнинг координаталарини аниқлаш куйидагича:

$$28x = 1/3 * (\text{Шпр} + \text{Пшпр}) \quad (10)$$

$$S_y = M_{29-S}^2 * \frac{\sqrt{2}}{2} \quad (11)$$

$$S_x = \sqrt{M_{29-S}^2 - S_y^2} \quad (12)$$

$$43x = 1/3 * (\text{Шпр} + \text{Пшпр}) \quad (13)$$

$$43y = M_{10-15}/4 \quad (14)$$

$$45x = \frac{43x - 41x}{2} - h_{45} * \frac{41y - 43y}{\sqrt{(43x - 41x)^2 + (41y - 43y)^2}} \quad (15)$$

$$45y = \frac{41y - 43y}{2} + h_{45} * \frac{43x - 41x}{\sqrt{(43x - 41x)^2 + (41y - 43y)^2}} \quad (16)$$

бу ерда Шпр - ўмиз кенглиги, Пшпр - ўмиз кенглигига қўшимча, M_{10-15} – асос чизманинг 10, 15, M_{29-S} – асос чизманинг 29, S нуқталари орасидаги масофа, $h_{45} = 1,0$ см.

Энг қиямасидаги В, F, С, D, G нуқталар координаталарини аниқлаш куйидагича:

$$B_x = 1/3(\text{Шпр} + \text{Пшпр}) \quad (17)$$

$$B_y = 1/4(\text{Шпр} + \text{Пшпр}) \quad (18)$$

$$F_x = (C_x - B_x)/4 + B_x \quad (19)$$

$$F_y = (C_y - B_y)/2 + B_y \quad (20)$$

$$C_x = \frac{D_x - B_x}{2} + 1 + B_x \quad (21)$$

$$C_y = \frac{B_{пр}}{2} - (0.2 \times (\text{Шпр} + \text{Пшпр}) + b), b \in [0.5, 1.0] \quad (22)$$

$$D_x = 0,5 \cdot \text{Шр} + B_x \quad (23)$$

$$D_y = C_y - 1/4 \cdot (\text{Шпр} + \text{Пшпр}) + 0,5 \quad (24)$$

$$G_x = D_x + ((D_x - B_x)/2 + 1)/2 \quad (25)$$

$$G_y = D_y/2 \quad (26)$$

Таклиф қилинган энг қиямаси координаталарини ҳисоблаш усули асосида аниқланган қийматлар бўйича сплайн интерполяция функциясида фойдаланилган ҳолда $O_{г}=84$ см ўлчамдаги аралаш толали материалдан тор шаклли энг блузка модели учун қияма эгри шаклини куриш натижалари кўйида келтирилган.

$$f(x) = \begin{cases} 4.7696 \cdot 10^{-2} \cdot x^3 + 2.1571 \cdot 10^{-60} \cdot x^2 + 1.3185 \cdot 10^{-1} \cdot x + 0.0000, & \text{if } x \in [0, 3.6], \\ -1.2872 \cdot 10^{-1} \cdot x^3 + 1.9053 \cdot x^2 - 6.7271 \cdot x + 8.2307, & \text{if } x \in [3.6, 5.82], \\ 1.6826 \cdot 10^{-2} \cdot x^3 - 6.3591 \cdot 10^{-1} \cdot x^2 + 8.0625 \cdot x - 2.0461 \cdot 10^1, & \text{if } x \in [5.82, 8.19], \\ 1.6170 \cdot 10^{-2} \cdot x^3 - 6.1978 \cdot 10^{-1} \cdot x^2 + 7.9304 \cdot x - 2.0100 \cdot 10^1, & \text{if } x \in [8.19, 12.48], \\ -9.4322 \cdot 10^{-3} \cdot x^3 + 3.3876 \cdot 10^{-1} \cdot x^2 - 4.0321 \cdot x + 2.9664 \cdot 10^1, & \text{if } x \in [12.48, 16.33], \\ 6.0919 \cdot 10^{-3} \cdot x^3 - 4.2177 \cdot 10^{-1} \cdot x^2 + 8.3873 \cdot x - 3.7973 \cdot 10^1, & \text{if } x \in [16.33, 19.35], \\ 1.0439 \cdot 10^{-2} \cdot x^3 - 6.7414 \cdot 10^{-1} \cdot x^2 + 1.3271 \cdot 10^1 \cdot x - 6.9437 \cdot 10^1, & \text{if } x \in [19.35, 23.79], \\ -2.3688 \cdot 10^{-3} \cdot x^3 + 2.3998 \cdot 10^{-1} \cdot x^2 - 8.4762 \cdot 10^1 \cdot x + 1.0302 \cdot 10^2, & \text{if } x \in [23.79, 27.36], \\ -3.6671 \cdot 10^{-3} \cdot x^3 + 3.4655 \cdot 10^{-1} \cdot x^2 - 1.1392 \cdot 10^1 \cdot x + 1.2961 \cdot 10^2, & \text{if } x \in [27.36, 31.5]. \end{cases}$$

Материал хоссаларига кўра берилган энг ўмизи узунлигида берилган қияма кириштириш меъёри ва елка айланасига кўшимча қийматларининг турли ўлчамларда доимийлигини таъминлайдиган қияма узунлиги ва баландлигининг оптимал параметрларини ҳисоблаш масаласини ечиш учун кўйидаги алгоритм таклиф қилинди (12-расм).

Берилган қияма узунлигида Док қияма оптимал эгри чизиғи S ни аниқлаш учун градиент тушиш алгоритми қўлланилди:

P - S қияма эгри чизиғидаги $S_9, S_{10} \dots S_{17}$ турли сегментларни аниқлайдиган координаталар тўплами, $L(S(P))$ - P параметрли қияма эгри чизиғи узунлиги бўлсин.

Оптималлаштириш функцияси кўйидагича аниқланади:

$$f(P) = L(S(P)) - \text{Док},$$


бу ерда P - функция параметри, $\text{grad } f(P)$ - P нуктадаги $f(P)$ функциянинг градиенти.

Градиент тушиш алгоритми - k нинг ҳар бир $k 1, 2, \dots$, қадамидаги P_{k+1} параметр қийматини ҳисоблашдан иборат:

$$P_{k+1} = P_k - \lambda^k \text{grad } f(P_k)$$


бу ерда $\lambda^k = \text{argmin}_{\lambda} f(P_k - \lambda \text{grad } f(P_k))$, λ - олдиндан берилган мусбат сон.

Оптимум нукта ва S оптимал қияма эгри чизиғини қидириш $f(P_{k+1}) \leq \epsilon$, $\epsilon > 0$ шарт бажарилганда яқунланади.



12-расм. Енг қиямасининг оптимал эгри чизиғини ҳисоблаш алгоритми блок схемаси

Алгоритмни тадбиқ этиш натижасида ва M.Muller&Sohn услуби бўйича ишлаб чиқилган турли ўлчамдаги (Ог=84 см ва Ог=96 см) енг қиямаси шакли ва параметрларининг қиёсий таҳлили 13-расм ва 3-жадвалда келтирилган.



13-расм. Турли ўлчамлар учун енг қиямаси шакли

..... Muller&Sohn услуби, — Таклиф этилган услуб

**Muller & Sohn услуги ва таклиф қилинган конструкциялаш услуги
бўйича энг қиямаси параметрларининг қиёсий таҳлили**

Энг параметрлари, см	Muller&Sohn услуги		Таклиф этилган услуб	
	Ог=84 см	Ог=96 см	Ог=84 см	Ог=96 см
Оп	27.5	30.5	27.5	30.5
Поп	4.47	5.13	4.0	4.0
Шр	31.97	35.63	31.5	34.5
Дпр	39.9	43.85	39.9	43.85
Н (см/см)	0.1013	0.1042	0.06	0.06
Док	43.94	48.42	42.3	46.49
Ппос	4.04	4.57	2.39	2.64
Вок	13.77	14.98	13.1	14.25

Жадвалдан кўриниб турибдики, аралаш толали материалдан тор шакли энг блузка модели учун ишлаб чиқилган конструкцияларда «Muller&Sohn» услуги бўйича Ог=84 см ва Ог=96 см ўлчамларда елка айланаси қўшимча қиймати (Поп, мос равишда 4,47 смдан 5,13 смга ўзгарган) ва қияма кириштириш меъёри (Н, 0,1013дан 0,1042га ўзгарган) доимийлиги таъминланмаган. Бунда берилган қияма узунлигида кириштириш меъёри қиймати буюм танланган материал хусусияти учун юқори қийматга эга. Таклиф этилган усулга кўра турли ўлчамли энг конструкцияларида Поп ва Н қийматларининг доимийлиги таъминланган. Материал тури бўйича кириштириш меъёрининг қиймати ва топилган энг параметрларининг Шр, Док ва Вок оптимал қийматлари асосида ишлаб чиқилган блузкалар конструкцияларининг қоматда ўрнашувининг юқори сифатини ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондирилганлигини кўрсатди («Istiqlol dizayn markazi» МЧЖ нинг 05.10.2021 йилдаги далолатномаси).


Диссертациянинг «**Кийим базавий асосларини автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи боби автоматик режимда кийим базавий асос конструкция чизмаларини лойиҳалаш услуги ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган.

Кийим олд ва орт деталлар, ўтказма энг базавий асослари чизмаларини конструкциялашнинг таклиф қилинган ёндашуви - кировчи параметрларнинг, конструкция элементларини қуришнинг формалаштирилган ифодаси ва алгоритмлари асосида автоматик режимда аёллар елкали кийимларини лойиҳалаш услуги ва тизимининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. 14-расмда ишлаб чиқилган автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида амалга оширилган натижаларининг алоҳида модулларининг экранли фрагментлари келтирилган.

Дастурий таъминот таркибига қуйидаги интерфейслар ва модуллар кирази: кийим тури, қомат тури ва кийим силуэтини танлаш интерфейси; ўлчам белгилари ва конструктив қўшимчалар модули; базавий асос конструктив нуқталари координаталарини ҳисоблаш модули; базавий асосни автоматик қуриш модули; энг ўмизи параметрларини ҳисоблаш модули; материал турига

кўра кириштириш меъёрлари ва елка айланасига қўшимча қийматларни танлаш интерфейси; енг қиямаси нуқталари координаталарини ҳисоблаш модули; нуқталар орқали ўтувчи қияма эгри чизиғини сплайн интерполяция усулида чизиш модули; қияма узунлигини ўлчаш ва берилган Докга тенглигини текшириш модули; қияманинг оптимал шаклини қидириш модули; тизимнинг мавжуд АЛТлар билан интеграциясини амалга оширишда маълумотларни вектор кўринишидаги *DXF форматида сақловчи модул.

Кийим базавий асосларини автоматик конструкциялаш дастурий таъминоти қуйидаги компонентларни ўз ичига олган платформада ишлаб чиқилган: Microsoft Windows; Microsoft SQL Server 2008 маълумотлар базаси; Visual Studio 2019 инструментал дастурлаш муҳити; C#, SQL дастурлаш тиллари.




14-расм. Тизим алоҳида модулларининг экранли фрагментлари

Тизимда яратилган турли ўлчамлардаги конструкцияларнинг амалий текшируви таклиф этилган назарий моделларнинг юқори аниқлигини кўрсатди.

Аёллар янги кийим моделлари лойиҳа-конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тизимда яратилган базавий асос чизмаларини мавжуд чет эл 2D АЛТларига интеграцияси амалга оширилди. Битта ўлчамдаги кийим модел конструкцияси асосида мавжуд градация схемасига асосан турли ўлчамлар учун ишлаб чиқилган андозаларда баланс бузилиши, бунда елка қиялиги ва параметрларнинг, шунингдек конструкция эгри чизиқларининг шакли ўзгариши аниқланди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун мавжуд градация схемаси орттирма қийматларига ўзгартиришлар киритилди. Андозалар бир хиллиги тамойилини таъминлаш мақсадида яратилган тизимда ишлаб чиқилган турли ўлчамдаги базавий асослар конструкцияларини гуруҳлаш усули орқали конструктив нуқталарнинг X ва Y ўқлари бўйича силжиш қийматлари аниқланди. Таклиф қилинган аёллар елкали кийими

деталлари градация схемаси асосида олинган андозаларда тана таянч юзасига мос елка қиялигининг сақланиши, кириштириш меъёрлари ва қўшимча қийматларнинг доимийлиги ҳамда базавий асос эгри чизиқлари шакллари тажрибали конструктор малакасига мувофиқлиги таъминланди. Аёллар елкали кийими асосий деталлари андозалари градацияси схемаси 15-расмда келтирилган.



15-расм. Аёллар елкали кийими асосий деталлари андозалари градацияси схемаси

Аёллар елкали кийимларини автоматлаштирилган лойиҳалашнинг такомиллаштирилган усуларини ишлаб чиқиш натижалари асосида амалий қўллаш учун таклифлар ишлаб чиқилди. Аёллар елкали кийими базавий асос чизмаларини автоматлаштирилган лойиҳалаш услуги ва тизими ҳамда турли материаллардан турли силуэт шакли аёллар блузкаси моделлари учун «Техник тавсиф» кўринишидаги меъёрий ҳужжатлар «Istiqlol Dizayn Markazi» МЧЖ корхонасида тадбиқ этилди. Тавсия этилган усул ва воситалардан фойдаланиш буюмнинг қоматга сифатли ўрнашувини яхшилаш ва лойиҳалашга кетадиган вақтни қисқартириш имконини берди. Жорий қилинган натижалар бўйича лойиҳа-конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда сарфланадиган вақтни 23,67%га қисқартириш, меҳнат унумдорлигини 31,16%га ошириш, маҳсулотларнинг сотиш ҳажмини 4,4%га оширилганлиги ҳисобига 46800 дона маҳсулот ишлаб чиқаришда йиллик иқтисодий самарадорлик 445206,5 минг сўмни (2021 йил нархларида) ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Чет эл кийимларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларида базавий асосларни ишлаб чиқиш жараёнининг тўлиқ формаллаштирилмаганлиги, тизимлар ёрдамида ишлаб чиқилган кийимлар сифати ва корхонанинг конструкторлик-технологик тайёргарлигининг самарадорлигига мутахассис тажрибаси, конструкция элементлари ҳисобидаги ноаниқликлар таъсир кўрсатиши аниқланди.

2. Muller&Sohn лойиҳалаш услуги бўйича базавий асослар чизмалари параметрларининг экспериментал тадқиқотлари асосида елка қиялиги бурчаги кийимнинг силуэт шаклига ва ўлчамига кўра ўзгариши, бунда олд ва орт деталлар бурчак ўзгариши характери турлича эканлиги аниқланди. Орт детал елка қиялиги бурчагининг кичкина ўлчамдан $Og=84\text{см}$ дан катта ўлчамга

Ог=116 см қўшимчанинг Псг=4см қийматида $4,14^0$ га, битта ўлчам доирасида эса бурчакнинг кийим кенлигига боғлиқ ҳолда кичрайиши аниқланди.

3. Аёллар типавий қоматлари елка қиялиги бурчагининг ўлчамлар бўйича боғлиқлиги, бунда Ог=84см дан катта ўлчамга Ог=116 см ўлчам диапозонида бурчак ўзгариши $2,1^0$ эга эканлиги аниқланди. Кийимнинг юқори сифатли ўрнашувини кафолатлайдиган конструкция юқори участкаларининг тана таянч юзасига мувофиқлигини таъминлаш учун олд ва орт деталлар елка қиялиги бурчагини типавий қоматларда елка қиялиги бурчагининг ўлчамлараро ўзгариш характерига мос ҳолда аниқлаш усули таклиф қилинди.

4. M.Muller&Sohn услуги энг конструкциясида берилган силуэтти моделлар турли ўлчамлари учун елка айланасига қўшимча (Поп) ва кириштириш меъёри (Н) қийматларининг ўзгариши аниқланди. Энг конструкциясида Поп ва Н параметрларини кирувчи параметрлар сифатида қабул қилиш мақсадида замонавий материаллар хоссаларини тадқиқоти асосида қияма кириштириш меъёрлари ва елка айланасига қўшимчалар қийматларнинг таснифи ишлаб чиқилди.

5. Автоматик режимда базавий асослар конструктив нуқталари координаталарини аналитик ҳисоблаш усули ва конструкция эгри контурларини учинчи тартибли полиномали сплайн интерполяция усули асосида лойиҳалашнинг математик модели таклиф қилинди.

6. Турли ўлчамларда берилган хусусиятти материаллар учун тавсия қилинадиган қияма кириштириш меъёри ва энг силуэт шакли доимийлигини таъминлашда мос қияма узунлиги ва баландлигининг оптимал параметрларини аниқлашнинг алгоритмти ечими таклиф қилинди. Алгоритмни тадбиқ этиш натижасида ва M.Muller&Sohn услуги бўйича ишлаб чиқилган турли ўлчамдаги энг қиямаси шакли ва параметрларининг қиёсий таҳлили таклиф этилган назарий моделларнинг юқори аниқлигини кўрсатди.

7. Таклиф этилган конструкциялашнинг ёндашуви асосида кирувчи параметрларнинг, конструкция элементларини қуришнинг формалаштирилган ифодаси ва алгоритмни амалга ошириш асосида автоматик тарзда аёллар елкали кийимлари базавий асосларини лойиҳалаш услуги ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилди.

8. Базавий асос чизмаларини автоматлаштирилган конструкциялаш тизими мавжуд чет эл 2D АЛТларига интеграцияси амалга оширилди. Буюм юқори участкаларининг тана таянч юзаси шаклига мослиги ва кириштириш меъёрлари ва қўшимча қийматларининг доимийлигини таъминлайдиган андозалари градациясининг таклиф қилинган схемаси асосида аёллар елкали янги кийим моделларининг лойиҳа-конструкторлик хужжатларини ишлаб чиқилди.

9. Аёллар елкали кийими базавий асос чизмаларини автоматлаштирилган лойиҳалаш услуги ва тизими ўқув жараёнига ҳамда Республикамиз корхоналарида жорий қилинди. Жорий қилинган натижалар бўйича лойиҳа-конструкторлик хужжатларини ишлаб чиқишда сарфланадиган вақтни $23,67\%$ га қисқартириш, меҳнат унумдорлигини $31,16\%$ га ошириш, маҳсулотларнинг сотиш ҳажмини $4,4\%$ га оширилганлиги ҳисобига 46800 донга

маҳсулот ишлаб чиқаришда йиллик иқтисодий самарадорлик 445206,5 минг сўмни (2021 йил нархларида) ташкил этди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) НА БАЗЕ НАУЧНОГО
СОВЕТА ЗА НОМЕРОМ PhD.03/30.12.2019.T.66.01 ПРИ
НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАХСУДОВ ШОХРУХМИРЗО АБДУЛХАМИД УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ АВТОМАТИЗИРОВАННОГО
ПРОЕКТИРОВАНИЯ ЖЕНСКОЙ ПЛЕЧЕВОЙ ОДЕЖДЫ**

05.06.04 – Технология швейных изделий и дизайн костюма

АВТОРЕФЕРАТ

Диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/T2310.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Абдукаримова Машхура Абдураимовна доктор технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Алимова Халима Алимовна доктор технических наук, профессор Арипджанова Дилафруз Уктамовна доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «28» января 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового научного совета по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) на базе научного совета за номером PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115., г.Наманган, ул. Касансайская-5, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел. (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована № 440). Адрес: 160115., г.Наманган, ул. Касансайская-5, Тел.: (+99869) 253-76-68

Автореферат диссертации разослан «15» января 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 63 от «15» января 2022 года).

Р. Мурадов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х. Бобожанов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

К. Холиков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире современное состояние швейной промышленности развитых стран характеризуется интенсивным расширением и быстрым обновлением ассортимента качественных швейных изделий, повышением уровня автоматизации производства. В частности, в таких странах как, Китай, США, Япония, Германия, Италия, Франция достигнуты значительные успехи в совершенствовании автоматизированных систем и средств проектирования и производства швейных изделий. Их использование позволило значительно продвинуться в автоматизации процессов адресного проектирования одежды¹. Вместе с этим, совершенствование процессов автоматизация конструкторской подготовки производства, повышение качества продукции и эффективности производства одежды являются актуальными проблемами развития швейной отрасли.

В мире ведутся научно-исследовательские работы в области оценки качества посадки одежды и разработки проектно-конструкторской документации с использованием виртуальных цифровых технологий, направленные на повышение качества швейных изделий и эффективности производства. В частности, проводятся работы по совершенствованию методов получения развёрток деталей одежды в автоматическом режиме, гарантирующих качественную посадку одежды на фигуре, формированию базы данных для разработки конструкции изделия, учитывающих характеристики современных материалов и тенденций моды. В связи с этим разработка лекал деталей одежды в соответствии с замыслом дизайнера и опытом конструктора и повышение эффективности систем автоматизированного проектирования на основе разработки формализованного описания процессов построения чертежей конструкции одежды являются одними из важнейших задач.

Особое внимание в Республике уделяется модернизации швейной промышленности, повышению технологического уровня проектирования и производства швейных изделий, автоматизации проектных работ, обеспечению конкурентоспособности швейных изделий на внутреннем и внешнем рынках. В Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставятся задачи, в том числе «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... внедрение современных информационных и коммуникационных технологий ...»². При реализации данных задач, в частности, важное значение имеет повышение уровня автоматизации процесса проектирования одежды, повышение производительности труда конструкторов и удобства работы с системами автоматизированного проектирования (САПР), повышение уровня и качества подготовки проектно-конструкторской документации.

¹ <https://www.cbinsights.com/research/fashion-tech-future-trends/>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, предусмотренных Указами Президента РУз №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5285 от 14 декабря 2017 г. «О мерах по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности» и ПП-№4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

